

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕКАБСОНС АЛЕКСАНДРА ВАЛЕРЬЕВНА

**XX-XXI АСРЛАР ЗАМОНАВИЙ РУС ДРАМАТУРГИЯСИДА ЗАМОН ВА
МАКОН**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тиллари ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Екабсонс Александра Валерьевна

XX-XXI асрлар замонавий рус драматургиясида замон ва
макон.....3

Екабсонс Александра Валерьевна

Время и пространство в современной русской драматургии рубежа XX-
XXI веков.....35

Ekabsons Alexandra Valeryyevna

Time and space in modern Russian dramatic art of a boundary XX-XXI of
centuries.....67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....75

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) www.nuu.uz веб-саҳифасида ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Камилова Саодат Эргашевна

филология фанлари доктори, доцент

Петрухина Наталья Михайловна

филология фанлари доктори, профессор

Ермолин Евгений Анатольевич

филология фанлари доктори, профессор

(ЯГПУ, Россия)

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2020 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62; (+99871) 227-10-59; факс: (+99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (+99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.С.Курбанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги даврда жаҳон адабиётшунослигида макон ва замонни бадий дискурсининг жанрий ҳамда сюжет ҳосил қилувчи категориялардан бири сифатида ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. XX-XXI асрлар чегарасидаги драматургияда воқеа-ходисалар, жараёнларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини макон ва замон хронотопи нуқтаи назаридан таҳлил этиш жанрий белгилар трансформациясининг ўзига хослиги билан характерланади. Аксарият ҳолларда матнлар сахнавийликдан узоқлашиб, фақат ўқишга ихтисослашганлиги сабабли муаллиф ҳамда персонаж ҳақидаги тасаввурлар ўзгаради. Бинобарин, драма турига хос жанрий хусусиятларнинг макон ва замон бирлиги ҳақидаги анъанавий қарашлар пьесаларда ўзгариши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши жаҳон адабиётшунослигида мазкур жанрий белгиларнинг ўрганилишида муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида драматик асарлар тадқиқининг фундаментал ишлари амалга оширилмоқда. Табиийки, драматургияни замонавий адабиётшунослик йўналишларига таянган ҳолда кўриб чиқиш ҳамда парадигматик усуллар орқали ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган натижани беради. Албатта, макон ва замоннинг фундаментал муаммолари нафақат фалсафа фани, балки эстетика, санъатшунослик ва адабиётшунослик фанларини ҳам қамраб олади. Макон ва замон ўзгариши тўғрисидаги тасаввур билиш жараёни ҳамда унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бадий фикрлаш эволюциясини ўзида акс эттиради. Ҳар бир тарихий даврдаги бадий фикрлаш макон ва замон ҳақидаги масалаларга аниқлик киритиши лозим. Жаҳон адабиётшунослигида драматик дискурсининг макон-замон категориясига оид муҳим масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан, адабиётшуносликнинг замонавий асарларида, хусусан, пьесаларида драматург дунёқарашини акс эттириш усули ва макон-замон континуумини англаш муаммоси тадқиқи ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида турли соҳалар, хусусан, фан ва таълим соҳаларидаги ислохотлар даврида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурияти давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Ўзбек адабиётшунослигининг бугунги замонавий босқичида адабий жараённинг шаклланишига оид муҳим тенденцияларни намоён этувчи замонавий драматургия таҳлиliga доир илмий тадқиқотлар долзарблик касб этмоқда. “Мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият, санъат ва адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса охириги йилларда бу соҳа ривожига бўйича янги босқичда катта ишлар амалга оширилмоқда”¹. Замонавий драматургияда замон ва макон бирлиги ҳаракат назарияси концепциясини яратишда жаҳон адабиёти

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий омилини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Президент Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси // <http://uza.uz/uz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>

тажрибаларини фаол қўллаш, адабий жараён, жанр поэтикаси, хусусан, тур чегаралари юзасидан олиб борилган изланишларда кўзга ташланаётган ютуқлар ҳамда санъатнинг ўзига хос хусусиятини англашдаги тасаввурларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлган шароит долзарб илмий муаммоларни ечишда қўл келмоқда. Шу муносабат билан хориж замонавий рус драматургияси поэтикасининг кўп аспекти тадқиқи янада теран ва ўзига хос хусусият касб этади ва у замонавий адабиётшуносликнинг долзарб масалаларини самарали ечиш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий макон ва замон муаммосига қизиқиш ўтган асрнинг 60-70-йилларидан бошланган. Мазкур муаммонинг тадқиқига Москва-тартус мактаби намояндалари: Ю.М.Лотман, С.Ю.Нехлюдовлар томонидан салмоқли ҳисса қўшилган. М.М.Бахтин ишларининг нашр қилиниши катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Олим замонавий адабиётшуносликда кенг қўлланилувчи “хронотоп” терминини киритган. Адабиётда “замон” ва “макон” категорияларининг аҳамиятини Д.С. Лихачев, И.Б. Роднянская, Н.К. Гей ва бошқалар ҳам қайд қилиб ўтишган². Шубҳасиз,

²Топоров В.Н. К символике окна в мифопоэтической традиции. – Режим доступа: <http://www.mifinarodov.com/o/okno.html>; Борев Ю. Теория литературы. – Том IV. Литературный процесс. – М.: ИМЛИ РАН, 2001. – 624 с.; Мостепаненко А.М., Зобов Р.А. О типологии пространственно-временных отношений в сфере искусства // Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. – Л.: 1974. – 299 с.;

хронотоп назарияси илмий оламда кенг резонансни вужудга келтирди; уни “бойтишди, тузатишди”. А.Б. Есин, В.Е. Хализев, А.И. Ковтун, Л.Г. Бабенко, Т.Х. Керимов, У.Эко, Б.К. Майтанов, Ш.Р. Елеуменов, В.В. Савельева ва бошқалар ўз ишларини хронотоп тадқиқига бағишладилар. Улар ўз тадқиқотларида бадий яхлитлик структурасида замон ва маконнинг ролини, аҳамиятини ва функцияларини очиб берганлар. И.Б. Роднянская тадқиқотлар тажрибасини умумлаштириб, архаик моделлардан тортиб, XX асргача бўлган адабиётда бадий замон ва макон эволюциясини кузатган.

Ю.Карякин Достоевский шеърлятидаги “янги хронотоп”ни очиб берган— *«это время-пространство последнего самоубийственного преступления или время-пространство спасительного подвига, это время-пространство решающей борьбы бытия с небытием»*³; Н.К. Шутая М.М.Бахтин ва Ю.М.Лотманнинг тадқиқотларини синтезлаб, “хизмат жойи” хронотопини тўлдиради ва батафсил ўрганади, “у ёки бу хронотопни тадқиқ қилишдан мақсад унинг адабий асардаги қаҳрамонлар характерини ва уларнинг хатти-харакатларидаги психологик мотивацияни очиб бериш имкониятларини юзага чиқариш”⁴ бўлиши кераклигига ишора қилади.

Замонавий драма назариясининг асосини В.М. Волькенштейн, Г.Холодов, Е.Н. Горбунова, А.А. Карягин, В.В. Основин, М.Я. Поляков, М.С. Кургинян, А.Натев, Ф.Клотц, В.Е. Хализев, А.А. Аникст, А.П. Скафтымов ва бошқаларнинг ишлари ташкил этади⁵. Улар кенг кўламли муаммоларга бағишланган, бироқ уларда асосий эътибор драматик асарларда зиддият ва ҳаракат ўзига хослигига қаратилган. Л.И. Дузь, А.А. Карпов, Е.В. Тимощук, И.М. Болотян, Н.Т. Хаустов, М.А. Кириллина, С.Я. Гончарова-Грабовская, О.С.Наумова, К.А.Деменева, И.Л. Данилова, Е.Г. Красильникова сингари олимлар драма, комедия ва трагикомедия жанрлари, замонавий драматургиядаги услубий жараёнлар, рус авангард драматургиясининг ўзига

Гей Н.К. Время и пространство в структуре произведения //Контекст. – М.:1975. – 113-129-с; Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. – М.: 1986. – 543 с.; Лотман Ю.М. В школе поэтического слова. Художественное пространство в прозе Гоголя. – М.: 1988. – 352 с.; Топоров В.Н. Пространство и текст.// Текст: семантика и структура. – М.: 1983. – 227-284-с; Тороп П.Х. Словарь терминологии тартуско-московской семиотической школы / Сост. Я. Левченко. – Режим доступа: <http://slovar.lib.ru/dictionary/hronotop.html>; Гей Н.К. Искусство слова. – М.: Наука, 1967. – 364 с.; Носков А.В. Онтология времени и онтология пространства как основания различия фундаментальных ориентаций в философии. Автореф. дис. ... канд. филол. наук–Томск, 1996; Мостепаненко А.М., Зобов Р.А. О типологии пространственно-временных отношений в сфере искусства // Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. – Л.: 1974. –11-25-с;Темирболат А.Б. Категория хронотопа в свете современных научных концепций литературоведения // Филологические науки в России и за рубежом: материалы междунар. заоч. науч. конф. (г. Санкт-Петербург,февраль 2012 г.). – СПб.: Реноме, 2012. – 6-9-с.

³Карякин Ю. Достоевский и канун XXI века. – М.: ВШ, 1989. – 640-с.

⁴Шутая Н.К. Сюжетные возможности хронотопа «присутственное место» и их использование в произведениях русских классиков XIX в. (на примере прозаических произведений А.С. Пушкина, Н.В. Гоголя и Л.Н. Толстого) // Вестник Моск. ун-та. Сер. 9, Филология. – 2005. – № 5. – 64-75-с.

⁵Хализев Е. Драма как явление искусства. – М.: ВШ, 1978. – 239 с.; Аникст А. Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. – М., 1997. – 455 с.; Брехт Б. Театр: Пьесы. Статьи. Высказывания: В 5 т. – М.: Искусство, 1965. – Т. 5. – 366 с.;Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: ВШ, 1999. – 240 с.

хосликларини таҳлил қилганлар⁶. Н.Л. Лейдерман, Г.Я. Вербицкая, О.Вильдгрубер, А.Винокуров, А.Иняхин, Н.М. Малыгина, В.Пилат, Е.Сальникова, А.Соколянскийлар Н.В.Коляданинг ижодий услуги ўзига хослигини тадқиқ қилганлар. М.И. Громова, О.В. Журчева, С.Я. Гончарова-Грабовская, И.А. Канунникова, А.А. Степанова, Т.Г. Свербилова, Я.И. Явчуновскийларнинг ишларида⁷ XX аср драматургиясининг жанр ўзгаришлари кўриб чиқилади. Аини вақтда замонавий пьесаларнинг таҳлили ва баҳоси асосан танқидий мақолаларда ифодаланган бўлиб, улар кўпинча театр ҳаётидаги воқеаларга бевосита жавоб сифатида дунёга келган.

Ўзбекистон адабиётшунослигида XX-XXI асрлар хориж замонавий рус драматургияси поэтикасининг кўп аспекти таҳлили ҳам мавжуд эмас. Аммо хронотоп назариясига бағишланган тадқиқотлар мавжуд. Ф.ф.д Н.М.Петрухина филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган “Творчество Ф.М. Достоевского в контексте мировой литературы XX века” диссертацион тадқиқотида XX аср жаҳон адабиёти рецептив макони тизимида Достоевскийнинг макон-замонга кўра моделлаштириши (бошланғич хронотопи) ўзига хослигини аниқлайди. У.Х. Жўракулов «Алишер Навоий "Хамса"сида хронотоп поэтикаси»⁸ мавзусидаги докторлик диссертациясида хронотоп аспекти тадқиқ қилади. У.Х. Жўракулов хронотопнинг “Хамса” асаридаги ўзига хослигини таҳлил қилар экан, мазкур асарда “чек-чегарасиз, уч олам тасвирланган бўлиб, мазкур маконларга астрономик вақтни татбиқ қилиб бўлмаслигига” ишора қилади. Тадқиқотчининг кузатувларига кўра, “Хамса”да уч олам “бирламчи олам”, “ўрта олам”, “қуйи олам” тушунчалари билан

⁶Гончарова-Грабовская С.Я. Русская драма конца XX – начала XXI века (аспекты поэтики); Гончарова-Грабовская С.Я. Комедия в русской драматургии 1980-1990 годов (жанровая динамика и типология). – Мн., 1999. – 236-с; Гончарова-Грабовская С.Я. Комедия в русской драматургии конца XX – начала XXI века: Учебное пособие. – М.: ВШ, 2008. – 280-с; Карпов А. А. Историческая трагедия и романтическая драма 1830-х годов. – М.: 2000. – 276-с.; Тимошук Е.В. [Жанровая специфика драматургии А.В. Вампилова](#). Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008; Болотян И.М. [Жанровые искания в русской драматургии конца XX - начала XXI века](#). Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008; Кириллина М.А. [Эволюция жанра комедии в якутской драматургии](#). Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008; Наумова О.С. [Формы выражения авторского сознания в драматургии конца XX - начала XXI вв.: на примере творчества Н. Коляды и Е. Гришковца](#). Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2009 год; Деменева К.А. [Жанровые особенности многоактных пьес А.В. Вампилова](#). Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2008.

⁷ Лесных Н.В. «Чайка» А.П. Чехова (remix) как художественная провокация. // Вестник Удмуртского Университета. – № 4, 2011. Режим доступа: http://vestnik.udsu.ru/2011/2011-054/vuu_11_054_15.pdf; Горячева М.О. Проблема пространства в художественном мире А.Чехова. Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1992; Журчева О.В. Формы выражения авторского сознания в русской драме XX века. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Самара, 2009; Гончарова-Грабовская С.Я. Комедия в русской драматургии конца XX – начала XXI века: Учебное пособие. – М.: ВШ, 2008, 280 с.; Маврина Л.В. Современная русская литература. Поэзия и драматургия 80-90-х годов XX века. – Т, 2004; Зорин А.Н. Поэтика ремарки в русской драматургии XVIII-XIX веков. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Саратов, 2010; Громова М.И. Русская драматургия конца XX – начала XXI века. – М., 2007.

⁸Джуракулов У.Х. Поэтика хронотопа в «Пятерике» Алишера Навои. Автореф. дис. ... докт. наук. – Ташкент, 2017.

белгиланади. Шу билан бирга тақводорлар макон-замон доирасида, ўрта оламда бўла туриб, “бирламчи олам” билан боғлана оладилар⁹.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётшуносларининг XX асрнинг иккинчи ярмидаги замонавий адабий жараён жанрларининг методологик, тарихий-адабий ва аналитик муаммоларига бағишланган тадқиқотлари алоҳида қизиқиш уйғотади. З.Касимова, Г.Гариповаларнинг ишлари¹⁰ замонавий адабий жараёнда борлиқнинг бадий модели ва инсон олами концепциясининг тадқиқига бағишланган. С.Э. Камилова ўз диссертациясида XX-XXI асрларда хориж замонавий адабиётининг жанрий ўзига хосликлари ривожланишини кўриб чиқади¹¹.

Санаб ўтилган тадқиқотлар кўп сонли фактик ва назарий материалга эга бўлиб, асрлар давомидаги хориж адабий жараёни, жанр поэтикаси, хусусан, тур чегаралари ҳақидаги илмий хулосаларни ўзида акс эттиради. Бирок, ўзгача муаллифлик мақсадлари ҳисобига XX-XXI асрлар хориж замонавий драматургиясида замон-макон концепцияси ривожланишининг концептуал муаммоси ўзбек адабиётшунослигида санаб ўтилган тадқиқотлар доирасидан ташқаридан қолиб келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий адабиётшунослиқнинг долзарб муаммолари» мавзусига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий рус драматургияси асарларининг ўзига хос хусусиятларини “замон” ва “макон” шаклий-мазмуний категориялари аспектида ифодаланишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий адабиётшунослиқда замон ва макон концепциясини тавсифлаш;

замонавий драматургияда хронотопларнинг типларини таърифлаш;

драматургияда замон (вақт) ва макон (жой) бирлиги эволюциясининг характерини ўрганиш;

XX-XXI асрларда драматургия ривожининг асосий тенденцияларини аниқлаш ва тизимлаштириш;

драматургик хронотопнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш ва унинг замонавий пьесалардаги асосий доминантларини аниқлаш;

замонавий драматургияда замон (вақт) категориясига тавсиф бериш;

⁹ Ўша ерда. – С.42, 49, 52.

¹⁰ Гарипова Г. Художественная модель бытия в литературе XX века. – Т., 2012; Касимова З.А. Концепция мира человека призме традиций национальной и мировой литературы. – Тошкент, 2008.

¹¹ Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе рубежа XX-XXI веков. – Тошкент, 2016.

замонавий пьесаларда бадиий маконни замонавий драматургнинг оламни англаши инъикоси усули сифатида тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объектини XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида “Театр. Док” даврий матбуотда чоп этилган замонавий рус драматурглари пьесалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети XX-XXI асрлар чегарасидаги замонавий драматургия матнларидаги макон ва замон ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, структур-семантик, қиёсий-типологик усуллар ҳамда герменевтика ва матнни адабиётшунослик нуқтаи назаридан текшириш тамойиллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX-XXI асрлар чегарасидаги драматургия тараққиётининг гиперреализм, янгича иқдор драматургияси (қаҳрамон монологи ва муаллиф изоҳи), авангард драма, вербатим-театр (хотира макони), ремейк-театр (ички ва ташқи маконнинг ўзаро қарама-қаршилиги) сингари тенденцияларнинг таснифи асосланган;

драматургияда макон ва замон бирлиги назарияси ривожланишининг диалогик муносабатларида концептуал хронотоп (тасвир ва асар сюжети), перцептуал хронотоп (англатиш функцияси), онейрик хронотоп (тафаккур оқими) каби босқичлари аниқланган;

макон ва замон бирлигида борлиқни англаш тушунчалари орқали XX-XXI асрлар чегарасидаги драматургиядаги трагедия, мелодрама, комедия каби жанрий трансформациялари далилланган;

XX-XXI асрлар чегарасидаги замонавий драматургия ўзига хос, мураккаб ҳодиса эканлиги, ҳозирги адабий жараённинг анъанавий ва авангард йўналишлари каби хусусиятлари билан боғлиқлиги асосланган;

XX-XXI асрлар чегараси замонавий драматургияси мураккаб, кўп таркибли, замонавий адабий жараён ривожланишининг ўзига хосликлари билан шартланган ҳодиса эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигининг драматургик хронотоплар типологиясини яратиш бўйича методологик базаси бойитилган;

XX-XXI асрлар драматургиясида замон ва макон бирлиги ҳаракат назариясининг бутун манзараси ишлаб чиқилган;

замонавий драматурглари оңтологик дунёқараши воситасида пьесалар матнлари аниқланган;

драматургик дискурда хронотопнинг янги тури – англаш функцияли онейрик хронотопнинг пайдо бўлиши асосланган;

замонавий драматургик асарларни таҳлил қилишда асарнинг интуитив ядроси тушунчасини қўллаш тавсия қилинган;

замонавий қаҳрамон типларидан бири –“ашаддий худбин образи” ишлаб чиқилган;

XX-XXI асрлар замонавий драматургик матнларининг эпик ибтидоси аниқланган ва исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амал қилинган ёндашув, методлар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, XX-XXI асрлар хориж замонавий драматургик матнларининг адабий таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил методлари ёрдамида амалга оширилганлиги, ОАК томонидан тавсия қилинган республика миқёсидаги ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мазкур тадқиқот натижалари XX-XXI асрлар замонавий драматургиясининг жанр ва тур белгилари назарияси, XX-XXI асрлар хориж замонавий драматургиясининг тарихий ривожланиши, адабий танқид, турли миллий адабиётларда жанр ва тур поэтикасини тадқиқ қилиш бўйича кейинги тадқиқотларга кенг йўл очади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг хулосалари ва материалларидан мавжуд адабиётшунослик луғатларидаги изоҳлар ва таърифларни такомиллаштиришда, ОТМлар учун адабиётшунослик фанлари назарий курслари бўйича материал сифатида дарслик ва кўлланмаларни ёзишда, XX-XXI асрлар хориж замонавий драматургиясида хронотоплар типологиясини яратишда, кейинчалик русча ва Ўзбекистондаги русча драматургик матнларни қиёслашда унумли фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

XX-XXI асрлар драматургиясидаги трагедия, мелодрама, комедия каби жанрий трансформацияларни далилловчи илмий маълумотлардан академик С.П. Королев номидаги Самара давлат миллий тадқиқотлар университети ва “НГ КАФ РФБР”нинг 2019 йил 21 июндаги “А. Толстойнинг “Қийноқ устида юриш” трилогияси: Самара довони” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Академик С.П. Королев номидаги Самара давлат миллий тадқиқотлар университетининг 2019 йил 21 июндаги 1567/7 - сон маълумотномаси). Натижада замонавий рус драматургиясида драматургик хронотопи, маҳаллий-темпорал континуумини қайта тиклаш тамойилларини аниқлашга эришилган;

XX-XXI асрлар замонавий драматургиясининг ўзига хос, мураккаб ҳодиса эканлигини асословчи материаллардан Беларусия давлат университетидида “Замонавий драматургия” махсус курсинининг ўқув адабиётлари таъминотида фойдаланилган (Белорусия давлат университетининг 2019 йил 14 январдаги БСУ-0920-54/4 - сон маълумотномаси). Натижада, замонавий рус драматургиясининг ривожланиш тенденцияси, замонавий драматургияда жанр

Ўзгариши, драматик матнни таҳлил қилиш тизими юзасидан тўпланган назарий ҳамда амалий маълумотларга мувофиқ адабиётшунослик бўйича ресурслар (ўқув-методик мажмуалар, махсус курслар) мазмуни такомиллаштирилган ва бойитилган;

XX-XXI асрлар замонавий драматургияси мураккаб, кўп таркибли, замонавий адабий жараён ривожланишининг ўзига хос шартланган ҳодиса эканлиги исботловчи материаллардан Ломоносов номидаги Москва давлат университети журналистика факультети ўқув адабиётлари таъминотида фойдаланилган (Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг 2019 йил 31 январдаги даги 215 - сон маълумотномаси). Натижада талабаларда замонавий адабий жараёнда драматик жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ва янги турдаги замонавий қаҳрамон образини аниқлай олиш кўникмаларини шакллантириш имкони яратилган.

XX-XXI асрлар драматургияси тараққиётининг гиперреализм, янгича иқроп драматургияси (қаҳрамон монологи ва муаллиф изоҳи), устувор драма сингари анъаналари таснифидан “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг драматургия намоёндалари фаолиятига бағишланган “Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар” дастурларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (“Ўзбекистон” Миллий телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 21 январдаги Ўз/Р-С-137-сон маълумотномаси). Натижада илмий ёндашувлар маҳсули ҳисобланган юқори профессионал даражада тайёрланган телевизион ва радиоэшиттириш дастурлари тингловчиларда маданий бағрикенглик ҳисини тарбиялашга хизмат қилган;

тадқиқот натижаларидан "Ўзбекистон" телерадиоканалининг ўзбек драмаси намоёндалари фаолиятига бағишланган "Адабий жараён" ҳамда "Саҳна ва экран" дастурларининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган ("Ўзбекистон" Миллий телерадиоканали 2020 йил 20 январдаги 04-25-234-сон маълумотномаси). Натижада адабиётшуносликнинг устувор йўналишларига мувофиқ дастур юқори профессионал даражада тайёрланган ва тингловчиларда Ўзбекистондаги адабий жараён ҳақида ғояларни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 2 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, хорижий журналда 2 та, республика журналларида 5 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 163 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Драматургик матнда замон ва макон категорияларининг назарий аспекти”** деб номланади ва уч параграфдан иборат. Унда адабиётшуносликда замон ва макон концепциялари тавсифи келтирилган, жумладан, адабий йўналишлар призмасида драматургияда замон ва макон бирлиги эволюцияси таҳлил қилинган, XX-XXI асрлар хориж замонавий рус драматургиясининг асосий ривожланиш тамойиллари таснифланган.

Ишда қайд қилинишича, замон ва макон нафақат фалсафанинг фундаментал муаммолари, балки эстетика, санъатшунослик, адабиётшунослик муаммолари ҳамдир. Замон ва макон ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши ҳар доим билиш жараёни, унинг ривожини билан боғлиқ бўлган ва бадиий тафаккур эволюциясида бевосита инъикос этган. Бадиий тафаккур ҳар қандай тарихий даврда турмушнинг умумий масалалари сифатида замон ва макон юзасидан маълумот бериши керак. XX-XXI асрлар хорижлик замонавий тадқиқотчилар ўринли қайд қилинишича, хронотоп фундаментал онтологик тушунча сифатида намоён бўлади. Ҳар бир тарихий воқеа, кундалик турмушдаги ҳодиса, санъат асарлари макон-замон координатларида инъикос этади. Хронотоп нафақат тасвирий ва сюжет ҳосил қилувчи бирлик бўлади, балки у ёзувчининг, қаҳрамонларнинг, китобхоннинг макон-замон тасаввурларини ўзида бирлаштиради, шунингдек бадиий асарнинг макон-замон муносабатларини қайта тиклаш усули бўлиб хизмат қилади. Бу эса замонавий асарларни ўрганиш жараёнида алоҳида бадиий қийматни ифодалайди.

Биринчи бобнинг **“Замонавий адабиётшуносликда замон ва макон концепцияси”** деб номланувчи биринчи параграфида етук назариётчилар М.М. Бахтин, Ю.М. Лотман, Н.В. Топоровларнинг замон ва макон концепциялари таҳлил қилинган. А.Б. Есин, В.Е. Хализев, А.И. Ковтун, Л.Г. Бабенко, Т.Керимов, У.Эко, Б.К. Майтанов, Ш.Р. Елеукенов, В.В. Савельева, П.Х. Тороп, Н.К. Гей кабилар ўз тадқиқотларини хронотопни ўрганишга бағишлаганлар. Шарҳ натижалари замонавий адабиётшуносликда замон ва макон муаммолари шеърини ва насрий асарлар материалида ўрганилган, драматик матнда замон ва маконнинг ўрганилиши илмий қизиқиш доирасидан четда қолганлигини таъкидлаш имконини беради.

Хронотоп замонавий талқинда фундаментал онтологик тушунча сифатида майдонга чиқади. Замонавий илм-фанда онтологиянинг икки турли типи ажратилади. А.В. Носков билувчи тафаккурга боғлиқ равишда борликни англашнинг икки усулини кўриб чиқади: макон ва замон онтологияси. Макон онтологияси фикрнинг замон (вақтдаги) ҳаракати ҳамда муайян предметли маконнинг (temps) таърифи билан характерланади; натижа – **маконнинг вақтлашуви**. Замон (вақт) онтологиясига вақтда кечувчи ҳаёт характерли бўлиб, у “билувчи онг учун ҳаётнинг сифат макони сифатида очилади, шу орқали фикр **вақти маконлашади**”. Терминологик жиҳатдан янги бўлишига қарамасдан (difference, «опространствливание/маконлашув» и «овременивание/вақтлашув») замонавий адабиётшунослар М. Бахтин ва Ю.Лотман сингари олимлар хронотопда замон ёки маконнинг устунлик қилиши ҳақида гапиришади.

Кўплаб замонавий асарларнинг асосини кўп қиррали маданий-фалсафий тафаккур қобилиятини эгаллаш йўлларини излаш, ҳақиқатнинг динамиклиги ва кўп маънолилигини очиш ташкил этади. Драматургик асарларни **муаллиф ижодий тафаккури** типи билан шартланган макон ва замон хронотопи нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Мазкур хронотопларнинг ҳар бири концептуал хронотоп, онейрик хронотоп, перцептуал хронотопларни ўз ичига олади.

Концептуал хронотоп асарда етакчи аспект бўлиб, айнан унда тасвир ва асарнинг сюжет қурилиши функциялари ажратилган. Концептуал хронотоп «кўплаб хронотопларни» (йўллар, провинциал шаҳар, остоналар ва ҳоказо) ўз ичига олиши мумкин. Табиийки, тасвирланган воқеалар концептуал хронотоп таркибига киради; қаҳрамоннинг “тафаккур оқими” орқали реаллашувчи фикрлари, хотиралари онейрик хронотопни ҳосил қилади. Структур хронотопларида реаллашувчи семантик кодлар (тарихий, аксиологик, географик, фалсафий ва ҳоказо)га эга концептуал хронотоп, онейрик хронотоп перцептуал вақтда давом этувчи, перцептуал маконда жойлашган ҳамда реципиент тасавурлари, билим даражаси, тажрибаси, маданияти билан боғлиқ феноменни аниқлайди. Бу **интуитив ядро**¹² демакдир. Унда асар мазмуни ифодаланади. Айнан перцептуал хронотопда хронотопнинг биз томонимиздан “**англантиш функцияси**” деб номланувчи **учинчи функцияси** юзага чиқади: унда иккиламчи семиологик система сифатида мифнинг замонавий талқини юз беради.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “**Драматургияда замон ва макон бирлиги эволюцияси**”да адабиётшунослик йўналишлари призмаси орқали вақт

¹²Интуитив ядро биз томонимиздан асарни тўлиқ тушуниш яхлит системаси сифатида тушунилади. Мазкур ядронинг қобиғи ё вақт хронотопи, ё макон хронотопи бўлиб, улар жуда кўп майда, локал хронотоплар ҳамда семантик кодлар билан биргаликда концептуал, онейрик ва перцептуал хронотопларни ўз ичига олади. Белги характерига эга бўлиб, муайян маданий-фалсафий мазмунга эга бўлгандагина интуитив ядро бадий аҳамиятли бўлади. Интуитив бизнинг талқинда онг остидаги. Шундай қилиб, асарнинг интуитив ядроси – асарни хронотоплар тизими ва семантик кодлар воситасида онг остида тўлиқ қабул қилишдир.

ва макон ривожланиши кўриб чиқилади, хронотопнинг доминант категорияси (вақт ва макон), етакчи типи аниқланади. Асарларда замон ва макон концепцияси эволюцияси мураккаблашиш қонуний тенденциясини аниқлайди. Шу тариқа классицизм эстетикасида вақт онтологияси устунлик қилади. Вақт етакчи категориядир, негаки у давомийликка эга. Макон эса чекланган бўлиб, қаҳрамоннинг мавжуд бўлиш жойи вазифасини бажаради. Замон ва макон тарихий деб қаралади ва бу концептуал хронотопга хос (уч бирлик қонунияти катъий чегараси муносабати билан бир хронотопик жамланма).

Сентиментализм эстетикасида ҳам вақт онтологияси устунлик қилади. Сентиментализм вақт ва макон чегарасини кенгайтиришига қарамасдан (маконнинг янги типи пайдо бўлади, макон оддий инсонга хос кундалик белгилар билан тўлдирилади) идделик хронотоп пайдо бўлади, вақт етакчи категориялигича қолади. Концептуал хронотоп биринчи хронотопик кўшимча – идиллик хронотоп билан тўлдирилади. Романтизм эстетикасида вақт ҳам, макон ҳам қатор ўзгаришларга учрайди. Маконнинг географик координаталари кенгаяди (турли мамлакатлар), вақт ўзгаради. Хронотопнинг янги кўриниши – қаҳрамонга негатив таъсир кўрсатувчи атрофдаги олам хронотопи пайдо бўлади. Концептуал хронотоп сюжет ҳосил қилувчи бирлик сифатида қаҳрамон хронотопи, атрофдаги олам хронотопи, романтик қаҳрамон чиқиб кетишга интилувчи “ёпик, сиқувчи” жой хронотопини ўз ичига олади.

Реализм ўз тури ўзига хосликлари билан хронотопни онтологик англаш нуқтаи назаридан оралиқдир. Бир томондан бу муаллифнинг вақт онтологияси бўлиб, у ёки бу тарихий воқеа ғояларининг вақт ўзгариши воситасида белгиланади. Иккинчи томондан эса англатиш функцияли ва асарнинг ҳаммуаллиф қабул қилинишига эга рамзий хронотоп пайдо бўлади. Концептуал хронотоп моддий ифодаланган нисбатан кичик хронотоплар (алоҳида хона хронотопи, йўллар, қафаслар ва ҳоказо) билан тўлдирилади. Островский, Чеховлар пьесаларининг рамзий якуни перцептуал хронотоп (олча боғи, дарё)нинг мавжудлиги хусусида фикр юритиш имконини берди. XX аср драматургияси турли режали (серқирра) ва кўп поғонали. Бир томондан бу барқарор хронотопларга эга реалистик эстетика, иккинчи томондан эса модернестик драматургия пайдо бўлади ва биз унда XX-XXI асрлар хориж драматургиясида ривожланган онейрик хронотопнинг (туш кўришни чексизликка етакловчи алоҳида реаллик сифатида кўриб чиқувчи ўзига хос хронотоп) вужудга келишини кўрамиз. Бунда вақт қотиб қолади, тушиб қолади, макон чексизликка қадар кенгаяди ва қаҳрамон ҳаёти учун хавфли бўлиб қолади; уйнинг оила маскани сифатидаги тушунчаси тўлиқ парчаланади, идиллик хронотоп инкор этилади. Макон координаталари асосида фикрловчи муаллиф дунёқараши борлиқни қабул қилишнинг макон онтологик нуқтасини тақозо этади.

Биринчи бобнинг **“XX-XXI асрлар хориж замонавий рус драматургиясининг асосий ривожланиш тенденциялари”** номли учинчи

параграфда замонавий рус драматургиясининг адабий жараёндаги ўрни кўриб чиқилади, замонавий драматургия ривожини таъминлаши таснифи тузилади.

XX-XXI асрлар хориж драматургиясининг ривожини замонавий адабий жараёндан ажратиш бўлмайди. XX-XXI асрлар хориж драматургияси мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. Замонавий драматургиянинг ривожланиш жараёни кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Якуний баҳоловчи характеристикани бериш учун ҳали унча кўп вақт ўтмади, аммо эволюциянинг ушбу босқичининг ўзидаёқ “Янги драма” бўйича фаол эстетик изланишлар, йўналишлар турли-туманлиги, анъанавий ва авангард йўналишлар ҳақида гапириш мумкин. Кўплаб танқидчилар томонидан “Янги драма”ни хронология нуқтаи назаридан, бадиий таъсирчанлик нуқтаи назаридан ҳамда жанр мансублиги нуқтаи назаридан таснифлашга уринишлар амалга оширилган (М.И. Громова, С.Я. Гончарова-Грабовская, С.С. Васильева, И.В. Банах, О.Журчева, М.Липовецкий, М.Мамладзе ва бошқ.). Драматургиядаги замонавий адабий жараёнга (умуман олганда, бутун адабий жараёнга ҳам) анъанавий ва авангард (модернистик) йўналишларнинг яқинлашуви, кесишуви, яъни бадиийлик парадигмалари синтези хос. XX-XXI асрлар хориж драматургиясининг ривожланишида: гиперреализм, истиффор келтирилмайдиган драма, авангард драма, драматургик хат шакллари билан бўлган ремейк, хужжатли матнни яратиш воситаси сифатидаги вербатим каби тенденцияларни ажратамиз.

Иккинчи боб **“Замонавий пьеса драматик хронотопида вақт (замон) категорияси”** деб номланади. У уч параграфдан иборат бўлиб, унда драматик хронотопнинг ўзига хослиги, драматик хронотопда, ремаркада вақт категориясининг хусусиятлари очиқ берилади. Қатор танқидчиларнинг фикрича, хронотоп замонавий драматургияда адабиётшунослик таҳлили нуқтаи назаридан жуда қизиқ ҳодиса сифатида қаралади. Одатда, вақт маконга интеграциялашади, макон эса локаллашади. Вақт-макон қахрамон фикрлари ва хотираларида реаллаша олгани каби ремаркаларда ҳам реаллаша олади ва бу драматик хронотопнинг насрий ва шеърый хронотопдан асосий фарқини белгилаб беради. Замонавий драматургик матнда айнан ремаркада хронотоп концентрацияланади ҳамда реал ва нореал маконни белгилайди. С.Я. Гончарова-Грабовская замонавий рус драматургиясининг қуйидаги белгиларини аниқлайди: «аморфлик», жанр чегараларининг «шаффофлиги», «услужбий эклектизм, драма бадиий тузилиши модификациясининг турли-туманлиги», «асинхронлик», «вақт-макон ўйини». Рус олимлари фрагментлилик (баённинг жуда кичик, баъзан бир параграф ҳажмидан ошмаган парчаларга бўлиниши)ни (узлуклилик таъминлаши) постмодернизм таъсирларидан бири сифатида ўринли қайд қиладилар. Шу билан бирга фрагментлар орасидаги “матнли парчалар” кўпинча йирик шрифт, махсус рақамлаш ёки бошқа типографик воситалар билан ажратилади. Замонавий драматурглар томонидан жанрларга эркин мурожаат тенденцияси кузатилади: “пьеса” билан бир қаторда “матн”, “акт”, “композиция” сингари драматурглар томонидан ўйлаб топилган

жанр номланишлари учрайди. Масалан Иван Вырыпаевда бу «Бытие № 2» («Трагедия смысла»/ «Маъно фожеаси»), «Кислород» («шу ерда ва ҳозир ўйнаш керак бўлган акт»). Василий Сигаревда «Пластилин» асари, унинг жанри муаллиф томонидан белиланмаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Драматургик хронотопнинг ўзига хослиги. Василий Сигаревнинг “Пластилин” пьесаси ремаркаларида котиб қолган вақт тасвир предмети сифатида” деб номланади.

Василий Сигарев пьесасини *гиперреализмга* мансуб деб ҳисоблаймиз. Гиперреализмнинг етакчи мавзуси – замонавий шаҳарнинг ҳалок қилувчи муҳити тасвири. Ушбу асарда ремаркалар асосий баён қатламига сингдирилган бўлиб, функционал ва сюжет ҳосил қилувчи роль ўйнайди, қатор вазиятларда эса нафақат ҳаракат тарзини изоҳлайди, балки мустақил маъноларни ҳам ҳосил қилади. Масалан, сарлавҳа ёки номинатив ремарка – «Пластилин». Ҳаракатланувчи шахслар ҳақидаги қисқача маълумотни ўзида сақлаган афиша ремаркасида ҳам биографик вақтга урғу берилган: «Максим – 14 лет, Она. И другие». Сигарев афишада аниқлаштиради: «Максим уже не ребенок и пластилин для него не детская игра»¹³. Шу тариқа ремарка хизмат вазифасини йўқотади ва композицияни мазмун билан бойитувчи элементга трансформацияланади. Пьеса қаҳрамони Максимнинг қўлида пластилин ўз шаклини беозор кичик шаклчадан ўсмирни ҳақорат қилган ва ерга урган шавқатсиз катта инсондан ўч олиш предмети шаклигача ўзгаради. «Пластилин» приквеллари¹⁴ да бутун матн учун аҳамиятга эга бўлган шаффоф семантик оппозициялар шаклланади. Пластилин (юмшоқ, эгилувчан) ва кўрғошин (қаттиқ) ўзаро оппозиция муносабатига киришади: «Его руки лепят из пластилина что-то странное. Закончив, он помещает это странное создание в тарелку с грязно-белой кашей... Он берет сковороду и льет свинец в тарелку. Шипят, сгорая, остатки пластилина»¹⁵.

Ассоциатив ремаркалар гуруҳида драматург Максимнинг “пластилин одамчаси” ҳосил бўлиш босқичларини, “катта пластилин бўлаклари”дан “тушунарсиз бирор нарсага”, “қизчага”, “кастетга”, “эзиб ташланган пластилин шаклчага” айланишини кўрсатади. Драматург ўз қаҳрамонига “турли шакллар”ни беради, охирида уни бутунлай ғижимлаш учун. Шундай қилиб, ремаркалар орқали асосий интенция гиперреализм – инсонни ҳалок қилувчи атроф-муҳит реаллашади. .

Вазиятли “нурли” ремаркаларда Сигарев реал вақт ва макондан “сохта” вақт ва макон оламига ўтишни амалга оширади. Айнан шу “сохта” хронотопда пластилин билан боғлиқ метаморфозлар содир бўлади: «Включает свет. Достает из-под кровати коробку. Начинает лепить...»; «Включает свет...

¹³Новая драма: пьесы и статьи / Вступ. ст. Е.Ковальской. В. Сигарев. Пластилин. – СПб., 2008. – с. 420.

¹⁴Приквел (англ. prequel) – предыстория. Энциклопедические статьи. <http://www.art-pedia.ru/>

¹⁵Новая драма: пьесы и статьи / Вступ. ст. Е.Ковальской. В. Сигарев. Пластилин. – СПб., 2008. – с. 420.

*Берет пластилиновую фигурку, с остервенением мнет»*¹⁶. Мазкур пьесада препозитив, интерпозитив ва постпозитив¹⁷ ремаркалар кўп ҳажмли ва панорамали. Улар сюжет ҳосил қилувчи роль бажаришади, уларда асар хронотопи батафсил қайта намоён бўлади. Масалан, учинчи эпизодга постпозитив ремарка йўл хронотопини ва унга мувофиқ учрашув мотивини вужудга келтиради: «...поворачивается и идет по дороге. И вдруг видит ЕЕ. Она идет навстречу ему по тротуару...»¹⁸. Интерпозитив ремарка 26-эпизоддаги репликалар билан уйғунликда Максимни “сеҳрлаб қўйган” “енгил”, “ҳавойй”, “ғайритабиий” қизнинг “ниқоби”ни юлиб ташлайди. “Ажойиб” нотаниш қиз кутилмаганда Максим учун таниш бўлиб қолади. Унинг исми Таня экан. Бундан ташқари, репликали ремаркада қаҳрамон қизни таърифлайди, унинг рухий ҳолатини гапириш одатларини тасвирлайди: «Таня (плачет, лицо у нее перекошено). Не трогай меня, дура! Ты мне не мать больше! Отпусти! ...Дура! Дура!»¹⁹. «Ҳаракат диалоги» охириги фожеавий воқеанинг олдини олувчи препозитив ремаркада кузатилади.

Насрий баён даражасига кенгайган ремарка аста-секинлик билан ўсиб борувчи драматик тарангликни таърифлайди²⁰: «Припадает ухом к двери... Слушает.../Стучит.../За дверью шаги/Максим принимает бойцовскую позу/Щелкает замок/Максим лезет в карман джинсовки (за кастетом)/Дверь приоткрылась/Максим бьет голой рукой/Курсант убирает лицо/Дверь ударяет Максиму по руке/Максим падает как подкошенный»²¹.

Пьесанинг сюжети ва композицияси жуда қизиқ. Сигарев асарни 33 сегментга ажратади. 33 сони қадимги мифларда инсон комилликка эришиш йўлида энгиб ўтиши лозим бўлган синовлар миқдорини англаган. “Пластелин”да воқеа вақти бошланиши Спира (қаҳрамоннинг дўсти) ўлими ва балкон эшигидан тобутининг чиқарилиши билан бошланади. Воқеа вақти ниҳояси Максимнинг ўлими («Подняли Максима. Выталкивают в окно»). Шу ўринда таквим вақти 9 кеча ва кундуз давомида кечади (қоронғулик ва ёруғликнинг алмашинуви). Шунга мувофиқ таквим вақти 9 кун деб белгиланади. Дераза – бир неча маъноларга эга бўлган муҳим рамзий образ. Дераза билан боғлиқ хавф мотиви маълум. Мифлар анъанасига кўра, дераза орқали уйга нопок кучлар ва ўлим кириб келади (Библияда «...ибо смерть входит в наши окна.../ зеро, ўлим деразаларимизга киради» (Иерем. 9, 21). Шу билан бирга дераза ёрдамида ўлимни алдашади ёки кўнгилсизликларни бартараф қилишади (мархумни деразадан чиқариш). Бизнинг вазиятда дераза

¹⁶Новая драма: пьесы и статьи / Вступ. ст. Е.Ковальской. В. Сигарев. Пластелин. – СПб., 2008. – с. 428.

¹⁷Дотекстовые, внутритекстовые и послетекстовые ремарки в драматическом произведении для чтения

¹⁸Новая драма: пьесы и статьи / Вступ. ст. Е.Ковальской. В. Сигарев. Пластелин. – СПб., 2008. – с. 432.

¹⁹Ўша ерда. – с. 426.

²⁰Ўша ерда. – с. 437.

²¹Ўша ерад. – с. 420.

хаос, қаҳрамонга нисбатан душманлик муносабати, Максим субъектив маконининг торлиги, унинг олами билан номувофиклик билан характерланувчи, бебошлик, жиноятчилик ҳукмрон бўлган реал олам билан уни Спира “болалар боғчаси дарчаси”дан пайдо бўлиб, чақирувчи нореал олам ўртасидаги чегара. Моҳиятан “Пластилин” қаҳрамони ўз тақдир йўлини ўтайди. Эътиборлиси шундаки, эпизодлар матн ҳажми ҳамда структурасига кўра бир хил эмас. Матн композицион парчаларининг тенгсизлиги бадиий вақтни ташкил этиш усулидир. У вақт оқимини субъектив сегментациялаш воситаси бўлиб хизмат қилади ва уни қабул қилиш ўзига хосликларини акс эттиради. Қисмларнинг тенг эмаслиги асарнинг *статиканинг динамикадан устунлигига* асосланган алоҳида *вақт ритмини* белгилайди.

«Пластилин» пьесасида перцептуал вақт ҳамда макон кесишувида номаълум провенциал шаҳарча хронотопи пайдо бўлади. У ерда вақт илгарилаш ҳаракатидан маҳрум. Муаллифнинг қайд қилишича, бу шаҳар одамлари ўз иши билан машғул. Вақт секинлашуви маконнинг, пьеса ҳаракат майдонининг кенгайиши билан бирга кечади. Сигаревнинг “провинциал шаҳарча” хронотопи бир-бири билан кесишувчи турли хронотопларни ўз ичига олади. Масалан, “хона” хронотопи, “йўл” хронотопи, “зина” хронотопи, “остона”, аниқроғи дарча, эшик хронотопи. Сигаревда “хона” хронотопи ва у билан боғлиқ бўлган зина, эшик (остона), кўча хронотоплари ҳам асар воқеалари содир бўладиган асосий жойлардир. “Кўча”да қаҳрамон УНИ учратади; “хона”да у зўравонликка учрайди; “директор кабинети”да қаҳрамон мактабдан ҳайдалганини билади; “Поезд”да Максимни қўшниси ҳақорат қилади ва ҳоказо. Уларни “йўл” хронотопи бирлаштиради. «Максим зина билан бешинчи қаватга кўтарилади», «югурди», «тўсиқ ёнида яширинишди», «кинотеатрга орқа томондан яқинлашишди», «подъездга яқинлашди», «болалар боғчаси дарчаси», «зинадан тушади», «илмоқ билан илинган эшик», «зинадан кўтарилади», «эски эшик ёнида». Ўзга олам образи Спира ва болалар боғчаси “дарчаси” хронотопи билан боғлиқ. *«В калитке детского сада стоит мальчик, болалар боғчаси дарчасида бир бола турибди».*

Шундай қилиб, драматург асосий фабулани ремаркага олиб чиқади, репликалар эса ҳаракатга полифоник овоз қўшади, драматик зўриқишни кучайтиради. Маъно ҳосил қилувчи ва сюжетни шакллантирувчи ремаркалар пьесанинг гиперреалистик йўналганлиги билан шартланган.

Шундай қилиб, қуйидаги аспектлар мажмуаси:

- 1) Ремарка хизмат вазифасининг сюжет ҳосил қилувчи ва мазмун ҳосил қилувчи маънога трансформацияси;
- 2) Ремаркалар типининг турли-туманлиги – препозитив, интерпозитив, постпозитив, номинатив, приквеллар, ассоциатив ремаркалар;
- 3) Замон ва маконнинг ремаркалар воситасида реаллашуви;
- 4) Кераксизлик, бефарқлик мавзусининг турмушнинг яхши таъминланмаганлигини, шаҳар худудининг “ташландиклиги”ни ремаркаларда

тасвирлаш орқали реаллашуви – Василий Сигарев “Пластилин”ида гиперреализм ўзига хослигини тўлиқ ифодалайди.

Иккинчи бобнинг “**Тўхтаб қолган вақт Олег Богаевнинг «Русская народная почта. Комната смеха для одинокого пенсионера»** пьесасида мангулик хромотопи доминанти сифатида” номли иккинчи параграфи Олег Богаевнинг пьесасида мангулик хромотопи доминантга айланишини акс эттиради.

Қаҳрамоннинг ғалатилиги кулги уйғотиши мумкин, аммо бу яшашидан маъно топишга интилаётган, ёлғиз, “*тоққирлик ва айёрона уйдирмаларга уста*” пенсионер – Иван Сидорович Жуков устидан кўз ёшлари орқасидаги кулги. У хатлар ёзади. Иван Сидоровичнинг адресатлари урушдан кейин йўқолган дўстлари, Президент, Ленин, Сталин, Елизавета II, қандалалар, марсликлар ва хоказо. Қаҳрамоннинг қалбни ўртовчи ёлғизлиги драматург томонидан уч қарра кучайтирилган: номинатив ремарка – «*комната смеха для одинокого пенсионера/ ёлғиз пенсионер учун кулги хонаси*», қаҳрамоннинг яшаш жойи бир хонали квартира, асарнинг композицион тузилиши бир актли пьеса кўринишида. «Русская народная почта/ Рус халқ почтаси» – бу қаҳрамон монологлари (хатларнинг овоз чиқариб ўқилиши) ва 50 дан ортиқ эпик ремаркалардан иборат асар. Богаев икки ва уч поғонали ремаркаларни киритади: ҳаракат ремаркалари, уларда қаҳрамон жонли намоён бўлади, у юради, ичади, ўтиради, ўйлайди, қарайди; ташки олам ремаркалари, улар қаҳрамон квартираси сарҳадларидан ташқарида: ҳаёт ўз оқими билан давом этмоқда, қор ёғмоқда, мусиқа янграйди; учинчи даражали ремаркалар ҳаракат ремаркаси орқали белгиланади (ухлаб қолди, мудради, кўзини юмди). Қаҳрамон монологлари ёйиқ ремаркалар билан, муаллиф изоҳи билан, унинг аралашуви билан, ҳаракатларнинг шарҳи ва қўшимча маънонинг киритилиши билан тўлдирилади. Бу эса мазкур асарнинг метатекстуаллиги ҳақида гапириш имконини беради.

Асарни очиб берувчи биринчи приквелда драматург энгил ирония билан қаҳрамоннинг ғалатилигини тушунтиради (почта ўйини) – юракни қўшимча инфаркт билан безовта қилишдан қўрқарди. Қайд қилиш жоизки, иккита приквелда концептуал хромотопнинг асосий параметрлари детерминланган: воқеаларнинг бошланиши («*...неожиданно в начале осени, врасплох, «молочный» магазин перенесли в район новостроек, приятели (словно сговорившись) покинули его и вознеслись на «небесную скамеечку» к супруге, телевизор и радио безнадежно поломались. Скучно стало*»²²) ва тасвирланувчи воқеаларнинг макони белгиланган. «Русская народная почта»да концептуал хромотопнинг уч даражасини ажратиш мумкин.

Бир хонали квартира хромотопи таназзул белгилари билан ушбу асарнинг гиперреалистиклигига тўлиқ ишора қилади. Зах ва совуқ (ачиган елим

²²Богаев О. Русская народная почта. – URL: http://magazines.russ.ru/novyi_mi/2002/1/borov.html

ва қандалаларнинг ҳиди ва захи), шифтида ёриғи бор квартирадаги ночор шароит драматург томонидан ишламайдиган телевизор, радиоприёмник, туалетнинг тўлиб-тошгани билан кучайтирилади. Қаҳрамон онгининг хиралашишига сабаб бўлган воқеаларнинг бошланиш вақти қайд этилади: *начало – осень, когда закрылся молочный магазин, конец – 31 декабря, 75-летний юбилей фронтовика. Сам Жуков не замечает времени. Игра в «письма» постепенно поглощает его целиком/ кузнинг боши, сут магазини ёпилганда, 31 декабрь охири, фронт қатнашчисининг 75 ёш юбилеи. Жуковнинг ўзи вақтни сезмайди. “Хат” ўйини уни тобора ютиб борарди.* Бир хонали квартира хронотопи шу тариқа “ивирсиган макон” орқали янада тораяди, қаҳрамон хотирасининг мактублар адресатлари билан тинимсиз “хаёлий” мулоқоти оқибатида хиралашиши эса сюжетни хронотопнинг янги поғонасига олиб чиқади.

